



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND TUMANI HOKIMINING
QARORI**

140300, Samarqand t., Gulobod qo'rg'oni

20 21-yil 08 - феврал

№ 225-К

Samarqand t.

**Туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли
автотранспорт воситалари ва уларга тиркамаларини мажбурий техник
кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ туманда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993й. 9-сон, 320-модда) асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Самарқанд тумани ИИБ ЙҲХБ (А.Нормаматов) белгиланган тартибда ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ишларини ташкиллаштиради.

2. 2021 йилда транспорт воситалари, мотоцикл ва тиркамаларни мажбурий техник кўриқдан ўтказиш гуруҳи аъзолари рўйхати 1-иловага мувофиқ, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2021 йилги мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туманда транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йуловчилар ташиш учун фойдаланиладиган автомобиллар, автобуслар, ўтирадиган жойлари сони 8 ва ундан ортиқ (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар бир йилда икки марта;

биринчи марта-1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта-1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин;

б) ишлаб чиқарилганлиги беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг

“а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)—икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим қилинади.

4. Юридик шахсларга қарашли бўлган автотранспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилсин.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилиши инобатга олинсин.

6. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автобус, микроавтобус ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари, уларнинг тиркамаларини, бошқа турдаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш, белгиланган жадвал асосида автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш имконияти ва таъмир ишларини бажариш учун қулайликлар мавжуд бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” ги қарорининг 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хизмати ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари мажбурий техник кўриқлари ўз юқори идораларининг қарори ва иш режаси асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

8. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (Б.Хонкелдиев)га мазкур қарорни “Гулобод тонги” газетасида расмий эълон қилиш, расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайти (<http://gulobod.uz>)га жойлаш вазифаси юклатилсин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарор қабул қилиниши билан туман ҳокимининг 2020 йил 19 февралдаги 190-Қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Исломов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Н.Мавлонов